

## ТЕРРОРИЗМ ВА УНИНГ ЖАМИЯТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги  
Академияси кундузги таълим 313-гуруҳ курсанти  
Базарбаев Дилшод Тажимурот ўғли*

Азалдан келаётган терроризм деган қўрқинчли сўз ҳали хануз ер юзини даҳшатга солиб келмоқда. Терроризм лотинча “террор” - қўрқинч даҳшат деган маъноларни билдиради. Уни кенгроқ қилиб ёритадиган бўлсак – сиёсий рақибларни муҳолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли орасида ваҳима уйғотиш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари яъни таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик портлатиш ва бошқалар тушунилади. Афсуски юртимизда ҳам ушбу фаолият билан шуғулланувчи ёки ушбу фаолиятга алоқаси бор фуқароларимиз борлиги албатта ачинарли ҳолат.

Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали хизматлари туфайли 2016-2021 йиллар ҳамда 2022-йилнинг 1-ярми давомида 97 нафар Ўзбекистон фуқароси терроризмни молиялаштириш учун судланган. Уларнинг аксарияти террористик ташкилот, уларнинг вакиллари ёки унга алоқадор шахсларга пул маблағларини тақдим этиш ва уларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказиш билан шуғулланган. Терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг бу кўчага кириб қолишининг сабаблари турличадир, содда ўзбек халқининг диний билимни чуқур ўрганишга бўлган интилишларидан айрим ғаламис кимсалар ғаразли нийятларини амалга ошириш мақсадида ушбу тоифадаги шахсларни ўз домига тортиб келмоқда.

Терроризм пайдо бўлганидан буён ривожланишнинг турли жабҳаларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Хусусан Сурия, Афғонистон, Ироқ, Покистон, ва бир қанча Африка каби давлатлар фаён, маданият, шаҳарсозлик машинасозлик, технология ва бошқа кўплаб соҳаларда ривожланишдан ортда қолмоқда. Сурия ва Ироқ каби давлатларни эса террористик қўпоровчиликлар ҳали хануз тарк этганича йўқ. Ушбу давлатларда истиқомат қилаётган тинч аҳолининг эса шавқатсизларча жони олинаётгани энг ачинарли ҳолатдир, унданам ачинарлироғи энг ўйинқароқ даврини турли хилдаги ўйинчоқ машиналару қўғирчоқлар ўйнаш ўрнига қўлига қурол олган болаларнинг келажаги не кечада, аҳир улар эратанги куннинг соҳиблари эмасми. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва тинч осуда ҳаётимизнинг бардавомлигини сақлаш мақсадида юртимизда кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда жумладан- 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни, 2018 йил 30 июльда “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни ва диний ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Олий суд томонидан эса 20 дан ортиқ ташкилот террористик

ташкилот деб топилиб уларнинг юртимизда фаолияти таъқиқиланди. Терроризмнинг жабрдийдасига айланган айрим ватандошларимизни терроризмнинг ўчрқларидан она юртимизга қайтариш ишлари амалга оширилди ва бу ишлар Меҳр-1, Меҳр-2, Меҳр-3, Меҳр-4, Меҳр-5 операциялари деб ном олди ушбу операциялар давомида 435 нафар ўзбекистон фуқароси терроризм ўчоғидан ватанимизга қайтарилди. Терроризмнинг дахшатини кўрган ушбу инсонлар ўз она юртига қайтиб келганидан бахтиёрлигини кўрган кишининг кўзларига ёш келади. Айниқса улар тинч ва осойишта ўзбекистонни, унда истиқомад қилаётган инсонларнинг бахтлилигини кўриб тинчлик деган буюк неъматнинг қадрига етишди. Шундай экан биз ҳам тинчлигимизни ардоқлаб она ватанимизни жондан севиб уни жон жаҳдимиз билан ҳимоя қилмоғимиз даркор.